

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Бердак номидаги
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Физикавий ва коллоид кимё кафедраси

Нуруллаева Махигуль.

5440400 – кимё таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

**“Бентонитларни модификациялаш ва уларнинг
адсорбциясини ўрганиш. ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий рахбар:
Физикавий ва коллоид кимё
кафедраси доц. к.ф.н.

М. Ш. Джумамуратова

Физикавий ва коллоид кимё
кафедра мудири к.ф.н.

А. Ж. Пирниязов

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Адабиётлар шархи.	5
1.1 Бентонитлар ҳақида тушунча, таркиби, адсорбция хоссалари ва қўлланиши.	
1.2. Бентонит гилмоясининг структураси, ғоваклиги ва модификациялаш услублари.	
1.3. Adsorbentlar va ularning xarakteristikasi	8
	17
II. Экспериментал қисми	
II.1.	21
II.2.	23
I.....	31
III.Тажриба натижаларини тушунтириш.....	36
IV.Хулоса	39
V.Фойдаланилган адабиётлар	40

Кириш.

Мавзунинг актуаллиги.

Ўзбекистонимизнинг саноатининг ривожланиши турли соҳаларида табиий минерал сорбентларга булган талабнинг мунтазам ортиб бориши, табиий минерал сорбентлар физик-кимевий хоссаларининг геология, минералогия, технология каби фанларда урганишнинг ривожланиши бевосита боғлиқ [1].

Натижада Ўзбекистонда катта қувватларга эга булган минералларнинг хом аше захиралари вужудга келди. Минерал конларни технологик жиҳатдан баҳолаш, коллоид-кимевий хоссалари тадқиқ этиш, саноатнинг турли тармоқларида фойдаланиш йулларини белгилайди. Таббий минераллардан мақсадли фойдаланиш, куп жиҳаттан уларнинг коллоид-кимевий табиати, яъни сирт хоссалари билан алоқадордир [2].

Муҳокама қилинган адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, монтмориллонит гилмояларини модификациялаш орқали самарадор адсорбентлар олиш ва уларнинг адсорбцион хоссаларини тадқиқ қилиш ўз долзарблигини саклаб қолмоқда.

Гилмояларни турли усуллар билан модификациялаш ва уларнинг адсорбциялаш хоссаларини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар хажми катталигига қарамай микроғовакли адсорбентлар олиш долзарблигича қолмоқда, шунинг учун модификацияланган адсорбентларни адсорбциялаш хоссаларини, ғовакликлар хажмини ва уларда бирикмалар адсорбцияси мувозанатини урганиш назарий хам амалий аҳамиятга эга. Сувда эрувчан полимерларнинг флокулянт ва коагулловчи сифатида, тупроқ структурасини яхшилашда ва унумдорликни оширишда, кўчма қум ҳаракатини тўхтатишда, тиббиётда дори моддаларга ҳар хил тўлдиргичлар сифатида ишлатиш, оқава сувларни тозалашда, рангли металлларни бошқа жинслардан ажратишда кенг қўлланилмоқда.

Шу муносабат билан бентонитларни сувда эрувчан полимерлар билан модификациялашнинг коллоид кимевий асослари яратилиб бормоқда.

Мавзунинг мақсади:

◆ Табiiй минераллардан адсорбент сифатида мақсадли фойдаланишда сувда эрувчан полимерлар билан активлаш орқали самарадор адсорбентлар олиш ва уларнинг адсорбцион хоссаларини ?рганиш.

◆ Сувда эрувчан поливинилпиридиннинг коллоид –қимевий активлигин солиштириш мақсадида қарама – қарши ион сифатида ҳар ҳил узунликдаги углеводород радикалига эга карбон кислоталар билан синтезлаш.

◆ Буларнинг асосида бентонит билан молекулалараро таъсирлашиш натижасида, конформацион параметрларни аниқлаш, молекуляр массаларни ҳисоблаш ва эритмаларда структураларнинг пайдо бўлиши аниқлаш,

ывалКоллоид–қимевий хоссалари эса бир қанча факторларга – полимер концентрациясига,муҳитнинг катталигига, электролитарнинг хоссаларига, эритмадаги конформацион структурасига ,макромолекуланинг ионланиш даражасига ва уларни олиш услубларига боғлиқ эканлиги маълум [2].

Ишнинг ҳажми ва тузилиши.

Битирув малакавий иши кириш, адабиётлар шарҳи, эксперименталь қисми, олинган натижаларни тасдиқлаш қисми, ҳулоса, фойдаланган адабиётлар руйхатидан иборат. ----- – варақдан, 5 та жадвалдан , 5 та расмдан ташкил топган.

1 Боб. Адабиётлар шархи.

1.1 Bentonitlar ҳақида тушунча, таркиби, адсорбция хоссалари ва қулланиши.

Саноатнинг турли соҳаларида табиий минерал сорбентларга булган талабнинг мунтазам ортиб бориши, табиий минерал сорбентлар физик-кимевий хоссаларининг геология, минералогия, технология каби фанларда урганишнинг ривожланиши бевосита боғлиқ.

Натижада Ўзбекистонда катта қувватларга эга булган минералларнинг хомаше захиралари вужудга келди. Минерал конларни технологик жиҳатдан баҳолаш, коллоид-кимевий хоссалари тадқиқ этиш, саноатнинг турли тармоқларида фойдаланиш йулларини белгилайди. Табиий минераллардан мақсадли фойдаланиш, куп жиҳаттан уларнинг коллоид-кимевий табиати, яъни сирт хоссалари билан алоқадордир. Минералларнинг сирт хоссаси тушунчаси, геометрик тузилиши, кристаллокимевий структураси, актив марказларнинг миқдори, табиати, функционал гуруҳлар концентрацияси, ион алмашинув сиғими кабиларни уз ичига олади. Минерал сорбентларнинг юза хоссаларини тулиқ тадқиқ қилмасдан туриб, хоссалари ва қуллаш соҳалари туғрисида фикр юритиб булмайди. Минерал сорбентларнинг сирт хоссаларини адсорбция ва адсорбция механизимлари орқали урганиш мумкин.

Табиий минерал сорбентларни 3 та катта гуруҳларга: кремнеземли, цеолит сақловчи ва алюмосиликатларга булиш мумкин, кремнеземли гуруҳига: опока, диатомит, трепел ва бошқа кремнезем турувчи минераллар киради. Цеолит типигаги минераллар киме санотида ахамиятли булиб, уларга: фожазит, клиноптилолит, натролит, эринит, морденит, гейландит киради. Алюмосиликатлар (бентонит, монтмориллонит, каолин, палигорскит) табиатда кенг тарқалган булиб, ер қобиғининг $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этади, тупроқ ҳам мураккаб бир қанча алюмосиликат минераллар мажмуасидан иборат.

Саноат аҳамиятига эга булган бентонит конлари Шимолий Кавказ, Урта Осиё, Украина, Қозоғистон, Белоруссия, Сибир ва бошқа жойларда куплаб мавжуд. Жаҳонда биринчи бентонит қаватли тузилиш, сувда кучли букувчанг яшил- сариқ нозик дисперсли гилмоя Вайоминг (АҚШ) штатида топилган. Монтана ва Дикоталар фанга биринчи булиб “Бентонит” атамасини олиб кирдилар [3].

Вайоминг бентонити ишқорий натрийли, букувчанг, нозик дисперсли; бентонитлар учун эталон ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб, Америка Қушма Штатларида 25 га яқин фирмалар 40 дан ортиқ турдаги активланган, турли марказдаги бентонит маҳсулотларини кукун, паста (маз), гранула, таблетка ва бошқа шаклларда тайёрлаб саноатнинг турли соҳаларида қўллаш учун экспорт қиладилар [4,5].

Табиатда турли бентонитлар учрайди, улар бир-биридан нафақат кимёвий-минералогик таркиби балки физик-кимёвий хоссалари ва ташқи қўрилиши билан ҳам фарқ қиладилар.

Улар кук, сариқ, кукимтир, қорамтир, пушти, яшил, оқ, қаймоқ ранг ва бошқа қўрилишларда учрайди. Оқ рангдаги бентонитлар камдан-кам ҳолларда учрайди, улар бошқа турдаги бентонитлардан ранг берувчи металл оксидлари, тузларини узида кам сақлайди, ион алмашинув катионлари асосан ишқорий металл ионларидан иборат булиб, ион алмашилиш хусусияти юқори ҳисобланади [6] . Табиий бентонит гилмояларининг кимёвий таркиби топилган конларига қараб турли-туман, гилмоялар бошқа турдаги минерал маъданлар (каолинт гидрокслюда) ва номинерал маданлар (гипс, калцит, пирит, магнетит, биотит, дала шпати) сувда эрувчанг ва эримайдиган ишқорий ва ишқорий ер металлларининг оксидлари, тузлари, баъзан органик

ва бошқа жинслар билан аралаш ҳолда булади. Баъзан бу қушимчаларнинг фоиз миқдори бентонит сифатиға катта таъсир курсатади.

Бентонитларнинг муҳим хусусиятлари минералларнинг кристалл панжара тузилиши ва кимёвий таркиби билан боғлиқ.

Масалан:

Монтмориллонит – $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 4\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$

Сапонит - $\text{Al}_2\text{O}_3 [\text{MgO}] \cdot 4\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$

Нонтронит - $\text{Al}_2\text{O}_3 [\text{Fe}_2\text{O}_3] \cdot 4\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$

Минераллар қаватларида жойлашган сув миқдори 4-8 молекула оралиғида бўлиб, улар минерал қаватларида жойлашган ионлар билан гидратланган ҳолда булади, аксарият ҳолларда бентонит таркибида куп миқдорда монтмориллонит минералидан иборатлиги хоссаларини тулик белгилаганлиги учун бу гилмояларни монтмориллонитлар деб аталади.

Монтмориллонитларнинг адсорбент сифатидаги хусусиятлари юқори сирт юзасига, ғовакларнинг хажми ва улчамига боғлиқ булади.

Сорбентларнинг адсорбция – структура белгиларига қараб М.М.Дубинин [7] уларни 4 гуруҳга булади:

1. Ғоваксиз
2. Макроғовокли
3. Мезоғовакли
4. Микроғовакли

Бентонитларнинг хоссаларидан: ион алмашинувчи курсаткичлари (монтмориллонит минералининг ион алмашинув сиғими 60 мг.экв дан 100 мг.экв/100 оралиғида булади).

Бентонит гилмояси ва у асосда олинган маҳсулотлар халқ хужалигининг турли тармоқларида кенг қулланилмоқда:

- Бурғулаш ишларида табиий бентонит ёки дастлабки ишлов берилган намуналари. Бунда, гилмоя сувли суспензиясига коллоид қушимчалар қушилади, енгил (зичлиги кичик) бурғулаш эритмалари тайёрланади;

- Қурулишда керамзит типдаги ғовакли материаллар олиш, темир-бетон материалларига енгил қушимча, гидроизоляцияловчи материаллар сифатида (асосан паст сифати бентонитлар);
- Нефт ва газни қайта ишлаш саноатида, нефт мойлар (трансформатор, сурков) ини тозалашда (регенрация) адсорбент сифатида ва бошқа нефт дистиллатларини тозалашда;
- Вино саноатида, протеинларни камайтириш, темир, рух, мис бирикмаларидан тозалашда, тиниклаштиришда;
- Ёғ-мой саноатида тозаловчи-оқартирувчи селектив адсорбент сифатида (пахта, кунгабоқар, кунжут, масхар мойларини тозаловчи);
- Фармацевтикада инсон ва ҳайвонлар организмдаги турли захарли токсинларни ва газларни ютувчи адсорбент сифатида;
- Қишлоқ хужалигида комбикорм ҳайвонларга поливитаминлар сифатида, организмда тупланган газлардан холи қилишда ва ҳоказода қулланилади [8].

Навбахор бентонит гилмояси А.У.Мизаев ва Х. Чинниқуловлар томанидан 1998 йилда Навоий вилоятининг Навбахор туманида очилган [9]. Улар томанидан бентонит гилмоятининг термик, кислотали ва бошқа усулларда активлангани, термик фоаллашда 300°C ҳароратгача бентонитларнинг адсорбция қобилияти ошиб, ундан юқори ҳароратгача бентонитларнинг адсорбция қобилияти ошиб, ундан юқори ҳароратларда адсорбентнинг адсорбциялаш хусусиятларининг камайиши курсатилган.

Муаллифлар Навбахор бентонитини адсорбент сифатида пахта мойининг кислота сони 0.58 мг КОН ва ранги 200 қизил ранг бирлигига эга булган мойларни тозалашда қуллаб гилмоянинг юқори адсорбция хоссасига эга эканлигини тажрибада аниқладилар.

Навбахор бентонити тайёрланган навбахтит (Ўзбекистон) ва смектит (Франция) гилмояларининг дори формалари сув буғи адсорбцияси урганиш натижалари [10] бир-бирига яқин эканлиги курсатилган. Препаратларнинг дориворлик хусусиятлари уларнинг асосан ғовакли даражаси билан боғлиқ.

1.2. Бентонит гилмоясининг структураси, ғоваклиги ва модификациялаш услублари.

Табиий минерал адсорбентлар асосан полиминерал ва аксарият полидисперсли булиб, турли ғоваклик ва актив марказларга эга. Фаолланмаган адсорбентларда ғоваклар ва актив марказлар минераллардаги турли қушимчалар билан уралган ҳолда боладилар [11]. Турли усуллар ёрдамида бентонитларнинг адсорбция хоссалари оширилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида кенг қулланилади. Гил минералларидан монтмориллонит, каолинт, палигорскит ва вермикулитлар кенг фойдаланиладиган минераллар булиб, уларнинг тузилиши асосан қабатли кристалокимёвий типдаги силикатлар, кремнокислородли тетраэдр ва алюмокислородли – гидроксил октаэдр каркаслардан иборат..

Монтмориллонит кристалл структураси 2:1 типдаги икки кремникислородли тетраэдр ва битта алюмокислород-гидроксилли октаэдр қабатли каркасдан ташкил топган [12].

Кенгаювчи кристалл структурага эга (монтмориллонит, вермикулит) минералларда қутибли моддалар адсорбция механизмларининг курсатишича, бу минералларда адсорбция гидратация (солватация) жараёни билан боради. Бу минераллардаги алмашинувчи катионларнинг улчами, заряди, координацион сони билан бевасита боғлиқ [13].

Монтмориллонит ва вермикулитда сув адсорбция жараёнларида $M [H_2O]$ турдаги аквакомплекслар ҳосил булади.

Бу ерда, M - алмашинувчи катионлар, монтмориллонит ва вермикулит структураси қабатлари орасидаги аквакомплексларни ишда батафсил урганилган [14].

Монтмориллонит минерали $70-100^{\circ}C$, вермикулит $130-140^{\circ}C$ ҳароратларда қиздирилганда, алмашинувчи катионлар билан бевосита боғланмаган сув молекулалари дегидратланадилар. Гил минералларини $200-250^{\circ}C$ гача қиздирилганда минералдаги қаватлараро масофа $15-15 \text{ \AA}$ дан $10.3-9.6 \text{ \AA}$ гача камаяди. Минерал юзасидаги OH – гуруҳлар $500^{\circ}C$ ҳароратдан бошлаб

чиқиб кетиши, регидрация жараёни юз беради, минералларда дегидроксидланиш жараёни 800°C ҳароратларда тугайди. Бу ҳароратларда кристалл структураси бир хил юулган монтмориллонит ва вермикулитлар уз тузилишини сақлаб қолдилар. Дегидрация ва дегидроксидланиш жараёнлари гилмоя минералларининг қабатлар оралиғида жойлашган алмашинувчи катионлар табиати билан боғлиқ [15].

Аксарият ҳолларда табиий сорбентларининг адсорбцион активлиги паст бўлиб, уларни турли усуллар ёрдамида фаоллаштирилади ёки модификацияланади.

Модификациялаш (юмшоқ ва қаттиқ) – бу минерал кристалл структурасини сақлаган ҳолда сирт хоссаларини узгартиришдир.

Модификациялашда минералнинг сирт хоссалари билан бирга ғоваклиларнинг узгариши ҳам ахамиятлидир, модификациялашнинг юмшоқ усулларида минерал қабатлар орасида жойлашган алмашинувчи ионлар турли: органик, ноорганик, силикоорганик, сирт актив моддалар билан алмаштирлади.

Модификациялашнинг қаттиқ усулида гил минераллари кучли ноорганик кислоталар билан ишлов берилади (кислотали активлаш). 1943 йилда Смит, монтмориллонит минерали таркибидаги алмашинувчи ноорганик катионлар, органик асослар ва уларнинг тузлари билан ион алмашинуви реакцияси натижасида модификацияланиши мумкинлигини курсатади [16].

Модификаторлар сифатида асосан кичик ва юқори молекуляр тузилишли сирт фаол моддалар, алкиламмоний ва алкидиаммоний асосларининг тузлари ишлатилади. Қаватли ва қаватли-лентасимон тузилган минералларга сирт фаол моддалар ва туртламчи аммоний органик тузларнинг тасъирлашуви минерал тузилиши, юзаси ва ғовакликлар узгаришига олиб келиши аниқланган [17].

Монтмориллонит қаватларига органик катионлар, молекуляр ёки ион алмашиниш механизими билан адсорбцияланадилар. Ион алмашиниш эквивалент миқдорда, кичик органик катионлар учун (агар радикалдаги

углерод атомлари 8 дан кичик булса), углерод атомлари катта органик катионлар юқори эквивалент молекуляр адсорбция содир болади [18].

Бунинг натижасида қабатлар орасида каналли ғовакликлар ҳосил бўлиб, улар инерт газлар, парафин ва ароматик углеводородларни хроматографик ажратиш, бир-бирига яқин изомерларни (масалан, ксилоллар) ажиратиб олишда қулланилади [19].

Модификацияловчи узун занжирли органик катионлар қабатли алюмосиликатларнинг ички юзасини тулиқ эгаллайди. Натижада инерт газлар ва сув молекулалар минералларнинг асосан ташқи юзасига адсорбцияланадилар [20].

Органогилмояларнинг хоссалари, монтмориллонит қабатлар орасидаги алмашиниувчи органик ва ноорганик катионларнинг минерал қаватлар орасида қандай жойлашишига ҳам боғлиқ [21]. Асосий омиллардан: минерал кристалл структурасида катионларнинг жойлашиши, органик ва ноорганик катионларнинг тури, катионларнинг нисбати, алмашинуви комплексларнинг ҳосил бўлишлари боғлиқ булади.

Бензол адсорбция изотермлари микроғовакли адсорбент-адсорбат турига характерлидир. Углерод занжири катта катионли органоментмориллонитларда бензол адсорбциясида букиш кузатилади [23].

Органоментмориллонитлар ичида кичик улчамга эга алкиламмоний катионлардан тетраметиламмонийли гилмояларга адабиётларда алоҳида аҳамият берилган [22].

Табиий гилмоя ва тетраметиламмоний катиони билан модификацияланган монтмориллонитларда бензол адсорбцияси натижаларининг курсатишича модификаторлар солиштирма юзани $20-30 \text{ м}^2/\text{г}$ дан $180-210 \text{ м}^2/\text{г}$ гача ошириши аниқланган. Иккинчидан, тетраметиламмоний катионларининг монтмориллонит қабатлар орасига киритилиши, минералларда гидрофоблик хоссаларининг ортишига олиб келган. Бундай гидрофоб адсорбентларда танловчанлик хусусиятлари юқори бўлиб, сувли эритмалардан бензол

молекулалари ҳамда бошқа органик моддаларни яхши адсорбциялаши кўрсатилган [23,24].

Твардовский А.И., Фомкиним А.А. ва ҳамкасиблари цетилпиридинли монтмориллонитлар сув, бензол ва н-гексан буғлари адсорбциясини дилатометр усли билан ўрганиб, бу жараёнда адсорбция деформацияланиш билан боришини ўрганганлар [25].

Адабиётларда [26], Ўзбекистоннинг 9 та турли минтақаларидан олинган бентонит тупроқларининг ҳайвонлар ошқозон ичак трактидан моделланган шароитларда госсиполнинг бентонитларга адсорбцияланиши ўрганилган. Тадқиқот натижасида Товоқсой ва Дехқонобод бентонит гилмоялари госсиполга нисбатан адсорбциялаш хусусияти юқори эканлиги аниқланган.

монтмориллонитда н-гексан адсорбция дифференциаль изостерик иссиқлиги ва энтропиясининг ўзгариши экстремал характерга эга бўлиш сабаблари ёрдамида.


Аввалда [27], модификацияланган монтмориллонит гилмоясидаги алмашинувчи Na^+ - ионлари олти $[\text{Al}_6\text{O}_4(\text{OH})_{12}]^{6+}$ ва етти- $[\text{Al}_{13}\text{O}_4(\text{OH})_{24}(\text{H}_2\text{O})_{12}]^{7+}$ зарядли полигидроксиалюминий ионларига 71 ва 80 фойзгача алмаштириб қатлам оралиғи (Δd_{001}) 1.83 нмга тенг бўлган сорбентлар олинган. Бу сорбентларда бензол буғлари адсорбцияси адсорбентларнинг адсорбциялаш қобилияти минерал қатламлари оралиғи ўзгаришига мувофиқ ўзгариши кўрсатилган. Кейинги вақтларда [31] маҳаллий минерал гилмояларни (бентонит, каолин, полигорсткит) 2000-3000 МГц тўлқин оралиғида ўта юқори частотали (ЎҲЧ) нурланиш ёрдамида фаоллаштирилган гил адсорбентлари олиш устида кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Микротўлқинли нурланиш ёрдамида фаоллаштирилган гилмояларда уларнинг гидрат қаватларида сув молекулалари ажиралиб яқишга кўра актив марказлари ва мезо ғовакликлари ортиши аниқланган, бу эса ўз навбатида ўсимлик ёғларини тозалаш жараёнида, ёғни оқлаш даражасининг ортишига олиб келиши кўрсатилган. Пахта ёғини госсипол ва унинг ҳосилаларидан тозалашда бентонитлар, хусусан Навбахор бентонити

самарали адсорбент эканлиги кўрсатилган. Ўсимлик мойларини селектив тозалаш ЎЮЧ –нурланиш ёрдамида фаоллаштирилган гил адсорбентларини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Гил минералларини активлашнинг комбинациялашган бир вақтининг ўзида кислотали (сульфат кислотанинг сувли 15% эритмаси) ва ЎЮЧ микротўлқинли нурланишларидан фойдаланиб, маҳаллий адсорбентлар (монтмориллонит, каолин) ёрдамида ўсимлик ёғларини тозалаш учун самарали адсорбент композициялари яратилиб уларнинг адсорбция хоссалари тадқиқ қилинган [28].

Нефт мойлари техника соҳасининг турли тармоқларида кенг қўлланилади. Техникадаги асбоб-ускуналарнинг муддатли ва ишончли хизмат қилиши нефт мойларининг сифатига ҳам боғлиқдир. Тадқиқотларда [29] ишлатилган нефт трансформатор мойларини Навбахор бентонитидан фойдаланган ҳолда регенерациялаш самарали натижаларга олиб келиши кўрсатилган.

Органогилмояларнинг адсорбция хоссалари, алмашинувчи натрий катионларининг ўрнини эгаллаган органик ва ноорганик катионларнинг қабатли алюмосиликатларнинг қаватлар орасида тартибли жойлашувига ҳам боғлиқдир. [34]



1.. Расм. Монтмориллонит қаватларига алкиламмоний катионларининг жойлашуви.

Қаватли алюмосиликатларда узун занжирли органик ва алмашинмай қолган ноорганик катионларнинг жайлашиш тартиби нисбатлари ва бир-бирига таъсири адабиётларда кам ўрганилган. Бундай сорбентлар углеводород молекулалари ва турли (инерт газлар) газларни бемалол ютадилар.

Монтмориллонит каватлари орасидаги ғовакликлар ўлчамлари селектив сорбент сифатида мўлжалланган моддалар адсорбцияланиши, модификацияловчи катионлар табиати, улчами ва каватлар орасида жойлашувига боглик- Кейинги йиллардаги адабиётларда, монтмориллонит ва вермикулитларни йирик органик катионлар билан модификациялаш ва уларнинг структура адсорбция хоссаларини урганиш ишлари олиб борилмокда [30].

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, кичик органик катионлар билан модификациялаш монтмориллонит структурасида микроговакликларни юзага келтиради. Микроговакли цеолит структурасига ухшаш адсорбентларни газларни тозалаш (цеолит урнида) ва бошка мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Кац Б.М. ва ҳамкасбларининг курсатишича, органик алмашинган монтмориллонитлар кислотали ва асос табиатига эга бўлган газлар учун яхши ютувчилар хисобланади. Шу билан бирга бензопиридин ва

хлорфеноллар билан зарарланган сувларни тозалашда, метилпиридин ва полигидроксикальций билан модификацияланган ‘ монтмориллонит гилмояларини кулланилган [31].

1.3.Модификацияланган адсорбентлар хоссалари.

Adsorbent eng muhim xossalaridan biri ularning g`ovakligi hisoblanadi. G`ovaklarning hajmini o`lchash uchun paromer deyiladigan maxsus asbob qo`llaniladi. G`ovak adsorbentlarning solishtirma sirti katta bo`ladi.

Eritmalarda sodir bo`ladigan reaksiyalar natijasida cho`kma holida ajralib chiqadigan (masalan, $BaSO_4$) yoki qattiq jismlarni maydalab tayyorlanadigan nog`ovak adsorbentlarning solishtirma sirtlari kichik bo`ladi ($1-10 \text{ m}^2/\text{g}$); ular kam ishlatiladi. Ko`proq ishlatiladigan nog`ovak adsorbentlar jumlasiga organik va kremniy organik moddalarning chala yonish mahsulotlari (qora qurum, oq qurum) shuningdek, kremniy galogenidlari ($SiCl_4$, SiF_4) ning suv bug`i bilan gidrolizlanish mahsulotlari (aerosillar) kiradi. Bu adsorbentlarning solishtirma sirtlari $100 \text{ m}^2/\text{g}$ ga yetadi [32].

G`ovak adsorbentlar odatda kukun holida ishlatilmasdan, mustahkam granula yoki tabletka shaklida ishlatiladi. 1-jadvalda nog`ovak va g`ovak adsorbentlarning ba`zi xarakteristikalarini keltirilgan.

1-jadval

Adsorbent xili	$S_{\text{sol}}, \text{m}^2/\text{g}$	Dispersligi va strukturalari	Vakillari
Nog`ovak	1-10	Dag`al dispers mikrog`ovak strukturalari	Oksidlar, tuzlar
Adsorbentlar	100	Yuqori dispers mikrog`ovak strukturalari	Grafitlangan qurum, oq qurum, aerosil*

G`ovak adsorbentlar	100-1000	Korpuskulyar, po`rsildoq va kristallik strukturalar	Silikagel, alyumogel, aktivlangan ko`mir, g`ovak shixta, seolitlar
------------------------	----------	---	--

*Aerosil – SiCl_4 va SiF_4 ning suv bug`i ishtirokida gidrolizlanishi natijasida hosil bo`lgan kukun modda.

Табиий минерал сорбентлардан монтмориллонитларни турлича фаоллаштириб, фаолланган гил минералларининг адсорбцияси ва термодинамик хоссаларини урганиш буйича салмокли тадқиқот ишлари олиб борилган. Гил минералларидан вермикулит (Қорақалпоғистон), полигорскит (Жанубий Фарғона) ва монтмориллонит (Жанубий Қозоғистон) гилмояларида ҳамда уларнинг термик ва олтингугурт кислотаси билан активланган намуналарида пиридин ва бутиламин буғлари адсорбция изотермалари олинган. Хар хил шароитда дегидратланган адсорбентларда кенг температура (240-340K) ва турли тўйинганлик даражаларида олинган изостералари асосида адсорбция иссиликлар узгариши аниқланган [33].

Монтмориллонит гилмоясини 773 K дан юкори бўлмаган хароратларда қиздирилганда унинг н-бутиламин буғига кўра солиштирма юзаси ва ғовакликлар хажми кўпда ўзгармаслиги, дегидроксиланганда бу курсаткичлар камайиши кўрсатилган. Табиий ва фаолланган гил адсорбентларда ўлчанган пиридин ва н-бутиламин буғлари адсорбция изотермалари асосида уларнинг структура-сорбция ва кислоталик курсаткичлари аниқланган[34].

Қутбли ва қутбсиз тузилишга эга моддаларнинг адсорбция энергетикаси. адсорбент-адсорбат таъсирланиш омиллари нафакат монтмориллонит гилмоясида, балки цеолитлар: мусковит, иллит, NaLSX ва LiLSX кабиларда сув, карбонат ангирид молекулаларининг адсорбцияланиш изотермаси ва адсорбция энергетикаси урганилган.

Тадқиқ этилган системаларда адсорбцияланишнинг молекуляр механизмлари урганилган [35]

Монтмориллонит минералида органик асос бугларининг ютилиш миқдорига қўра уларнинг юзасидаги кислоталик марказлар концентрациялари аникланади[36].

Органик асос молекулалари минералнинг кучли кислота марказларида мустаҳкам боғланади. Юқори ҳароратда боғланиб қолган пиридин монтмориллонит юзасини модификациялайди. Адабиётларда бу йўл билан модификацияланган адсорбентларнинг сорбциялаш хоссалари урганилган. Гилмояда пиридин бугларини хемосорбциялаб модификацияланган органогиломояда бензол бўғи адсорбцияси ўрганилган. Монтмориллонитнинг Льюис марказларида пиридин координацион боғ ҳосил қилса, Бренстед марказларида пиридиний PyH^+ га айланиши мумкин. Модификацияланган адсорбентларда бензол бўғи адсорбцияси нисбатан кичик ва ўрта босимларда соф монтмориллонитда олинган миқдорига нисбатан 4-5 маротаба юқори бўлган. Адсорбентлар туйинган ҳолатларида бензол адсорбцияси миқдори соф монтмориллонит учун олинган миқдоридан 2 маротаба ортиқ бўлган [37].

Бензол бугининг модификациялайган турли монтмориллонитларда адсорбцияси [38] атрофлича урганилган. Азкамароқ бентонити асосида изомер органик катионлар орто ва мета фенилендиаммонийли органиксорбентларда турли ҳароратларда вакуумланган намуналар учун бензол адсорбциясига қўра бентонитларнинг сорбциялаш курсаткичлари аниқданган. Адсорбцияни урганишдан аввал органогиломоялар 293, 393, 423, ва 493 К ҳароратларда термик активланган. Эътиборли томоний шундакй, ҳамма термик ишлов берилган намуналарда бензол буғи адсорбцияси изотермаларида гистерезис халкалари P/P_s х 0.2-0.3 оралигида сиқилиши қўзатилган.

Десорбцияда босим P/P_s х, 0;2-0.3 да гистерезис халкаларининг сиқилишини адсорбция жараёнида адсорбентлар туйинганлик ҳолатида орто

фенилендиаммонийли бентонитда капилляр конденсацияланиш юз бериши туфайли тиксотропия структураси хосил булиши аникланган.

Орто ва мета -фенилендиаммоний катионлари бентонитдаги натрий ионларига алмашинувида органик катионлардаги NH_2 –гурухлар монтмориллонит минералининг кислород юзаси билан - $\text{NH} \dots \text{O}^{2-}$ турдаги водород боғ хосил қилиши, модификациялаш организилмиоянинг умумий хажмининг 70 %ти тирқишсимон микроғовакларда, сорбцияланишига тўғри келиши кўрсатилган.

Аввалда [39] бентонит гилмоясини олти зарядли гидроксизлюминий катионлари билан модификациялаб микроғовали адсорбент хосил қилинган. Бундай микроғовакли адсорбент 600 К дан юкори булмаган хароратларда термик барқарордир, 773 К дан юкори хароратларда термик ишлов берилганда монтмориллонит таркибидаги олти зарядли полигидроксизлюминий катионлари алюминий кластер холига ўтиб маълум ғовакликларни бекитиши туфайли адсорбция микдори камайиши кўзатилди. Адсорбция 0.4 моль/кг бўлганда н-гексан молекулаларининг 65-70%ти сорбцияланади, адсорбция 0.25-0.4 моль/кг оралиғида изостерик иссиқлиги 56 дан 61 кЖ/молгача юкорилаганлиги кузатилган.

Дегидратацияланган Со- монтмориллонит гилмояси паст нисбий босимларда этилендиамин молкулаларини На-монтмориллонитга нисбатан кўпроқ адсорбциялар экан. Минералларни дастлабки, қиздириши температурасида 423 К дан 773 К гача оширилиши уларнинг солиштирма юзасини қисқаришига ва натижада адсорбциянинг кам бўлишига олиб келган. Co^{2+} катионли монтмориллонит гилмояси этилендиамин молекулаларини адсорбциялаш қобилияти юкори бўлиши, адсорбат молекулалари катионлар билан хосил қилган комплексларнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Бунда этилендиамин нафакат кобальт ионлари билан балки, алюмосиликат юзасидаги гидроксил гурухлари билан кислота - асос механизми асосида $=\text{Si}-\text{OH} \dots \text{H}_2\text{N} - \text{R} - \text{NH}_2$ каби таъсирлашиб актив марказлари билан боғланадилар. Адсорбция изотетмаларидаги гистерезис

ҳалқанин кескин очилиб кетганлиги ҳам юкоридаги мулоҳазаларни тасдиқлайди [40].

Temperaturaning ortishi va bosimning pasayishi yutilgan gazni desorbsiyaga uchratadi. Shu sababli moddalarni havo muhitidan ajratib olishda, gaz va bug'larni tozalashda adsorbsion –desorbsion metodlar sanoat miqyosida qo'llaniladi.

Qattiq adsorbent sirtiga eritmadagi modda adsorбилanganida, albatta, erigan modda bilan erituvchi modda ham yutiladi. Shunga ko'ra eritmada bo'ladigan adsorbsiya "raqobatli" xarakterga ega; erituvchi bilan eruvchi adsorbent sirtini band etishga intiladi. Eritmadan elektrolitlar ham, noelektrolitlar ham adsorбилanishi mumkin. Shunga ko'ra adsorbsiya monomolekulyar adsorbsiya va ionli adsorbsiya deyiladigan 2 sinfga bo'linadi. Ko'pincha moddalar adsorbentga tanlab yutiladi. Desorbsiyani amalga oshirishda adsorbent sirtini suyuqlik bilan yuvishda foydalaniladi va bu jarayon elyutsiya, yuvish uchun ishlatilgan suyuqlik esa elyuent deb ataladi.

Agar elektrolit eritmasidagi anion va kation ekvivalent miqdorda adsorбилansa, molekulyar adsorbsiya yuzaga chiqadi. Agar tarkibida bir necha modda aralashmasi bo'lgan eritma qalin adsorbent ustunidan (masalan, adsorbent to'ldirilgan naydan) o'tkazilsa aralashmadagi har qaysi modda adsorbentning ma'lum qismlariga adsorбилanadi, natijada adsorbent qavatida bir necha zona hosil bo'ladi. bu hodisani M. S. Svet 1903 yilda tekshirgan. Uni xromatografik adsorbsion analiz deb atagan. [41]

Ionli kolloid zarrachalar sirtida ayniqsa yaxshi adsorбилanadi, shu sababli, kolloidlarda elektr zaryadining miqdori va ishorasi shu ionlarning borligiga bog'liq.

Qattiq jismga birinchi navbatda shu jismning kristallik panjarasi tarkibida bo'lgan ionlar adsorбилanadi.

Ba'zan adsorbent o'z tarkibidagi ionlardan birini elektrolit ionlariga almashtiradi. Bunday adsorbsiya almashinish adsorbsiyasi deyiladi.


II. Экспериментал қисм

II.1. Амин гуруҳни тутган поливинилпиридин асосида сувда эрувчан полиэлектролитларни синтезлаш.

Бентонитни сувда эрувчан ПЭ билан модификациялаш учун, бир хил полиэлектролит нрмулари асосида бир – биридан монокарбон кислоталарнинг углеводород радикаллари билан фарқ қиладиган полиэлектролитлар синтезланди ва ўларга боғлиқ коллоид- кимевий хоссалари аниқланди.

2- метил – 5 винилпирид ва қарама-қарши ионларнинг асосий физикавий ва кимёвий характеристикаси

